



## WAYS TO DEVELOP MANUAL LABOR AND HOUSEKEEPING TO ENSURE EMPLOYMENT OF WOMEN IN NAVOI REGION

*Nilufar Mustakimovna Rakhmatova*

*Basic doctoral student*

*Navoi State Pedagogical Institute*

*Navoi, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** homeworker, manual labor, entrepreneur, money, structural changes, reserve, order, raw materials, interaction, service, service, home work, social protection, financial resources, budget revenues.

**Received:** 03.07.24

**Accepted:** 05.07.24

**Published:** 07.07.24

**Abstract:** In the country, over the years of independence, in connection with the rapid development of small businesses and private entrepreneurship, in solving the problems of women's employment, special importance was attached to the widespread introduction of various forms of services and the promotion of animal husbandry in rural areas. In this regard, the tasks were completed to increase the role of professional skill, as well as to ensure the provision of tax benefits established by law for enterprises using labor with separation from production. The article on the example of the Navoi region presents the actions taken by the state on the development of home-based labor.

## НАВОЙ ВИЛОЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ҚЎЛ МЕҲНАТИ ВА КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Нилуфар Мустақимовна Раҳматова*

*таянч докторант*

*Навоий давлат Педагогика институти*

*Навоий, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** касаначи, қўл меҳнати, тадбиркор, тўсиклар, таркибий ўзгаришлар, захира, буюртма, хомашё, ўзаро ҳамкорлик, хизмат кўрсатиш, сервис, уй меҳнати, ижтимоий ҳимоя, молиявий ресурслар, бюджетлари даромадлари.

**Аннотация:** Мустақиллик йиллари мамлакатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорва-чиликтни ривожлантиришни рағбатлантиришга

алоҳида аҳамият берилди. Бу борада касаначиликнинг ролини ошириб бориш ҳамда касаначилик меҳнати-дан фойдаланаётган корхоналар учун қонун хужжатларида белгиланган солик имтиёзлари берилишини таъминлаш вазифалари амалга оширилди. Мақолада касаначиликни ривожлантириш йўлидаги давлат томонидан олиб борилган харакатлар Навоий вилояти мисолида тахлил қилиб берилади.

## ПУТИ РАЗВИТИЯ РУЧНОГО ТРУДА И ДОМОВОДСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНЩИН НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ

**Нилюфар Мустакимовна Рахматова**

*Базовый докторант*

*Навоийского государственного педагогического института*

*Навоий, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** надомник, ручной труд, предприниматель, деньги, структурные изменения, резерв, заказ, сырье, взаимодействие, обслуживание, сервис, домашний труд, социальная защита, финансовые ресурсы, доходы бюджетов.

**Аннотация:** В стране за годы независимости в связи со стремительным развитием малого бизнеса и частного предпринимательства в решении проблем занятости женщин особое значение придавалось широкому внедрению различных форм сферы услуг и содействию развитию животноводства в сельской местности. В связи с этим были выполнены задачи по повышению роли профессионального мастерства, а также по обеспечению предоставления налоговых льгот, установленных законодательством, для предприятий, использующих труд с отрывом от производства. В статье на примере Навоийской области представлены действия, предпринимаемые государством на путях развития надомного труда.

### КИРИШ

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес ва тадбир-корлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида энг муҳим омиллардан биридир. Ўзбекистон хукуматининг тадбиркорлик субъектларини фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ва Қарорлари асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳукуқий асослари яратилди. Бу хужжатларнинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга янада кенгроқ шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг

фаолиятига тўсқинлик қилувчи бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, молия-хўжалик фаолиятига асосиз аралашувларни кескин қисартириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатдаги ҳар бир минтақа ўзининг табиий-географик салоҳияти, иқтисодиётнинг тармоқлари таркиби ва ривожланганлик даражаси, ташқи иқтисодий алоқаларда иштирокига биноан бир-биридан фарқ қиласи. Ўзбе-қистоннинг ҳар бир вилояти табиий ресурслар ва уларнинг турлари билан турли даражада таъминланган. Жумладан, Навоий вилоятининг мамлакат оғир саноатидаги улуши салмоқли бўлиб, биргина “Навоий” эркин индустрисал-иқтисодий худуди (ЭИИХ)нинг ташкил этилиши вилоятда тадбиркорликни бошқа кўринишларини ҳам ривожлантириш имконини берди. Амалга оши-рилган чора-тадбирлар натижасида республика худудлари бўйича Навоий вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан кейинги ўринни эгаллайди. Масалан, биргина 2016-йилда вилоят-да 10657,9 млрд. сўмлик саноат товар ва маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.[1] 2023 йил 10 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023–2024 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш ва аҳоли турмуш даржасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Қарори вилоятни “камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш борасида бир қатор вазифаларни белгилаб берди[2].

Саноат ривожида Навоий вилоятида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Навоий вилояти мамлакатнинг энг катта вилояти ҳисобланиб, 2016-йил ҳолатига кўра, унинг умумий майдони 110,99 минг км<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Навоий вилояти катта табиий бойликларга, хусусан, олтин, вольфрам, фосфорит, қум, цемент, оҳактош ва бошқа минерал ресурсларга эга. Шунингдек, вилоятда ураннинг йирик заҳиралари мавжуд бўлиб, айнан шу заҳирлардан қазиб олинаётган уран Ўзбекистоннинг дунё бўйича уран ишлаб чиқариш рейтингида юқори ўринларни эгаллашига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон 2015-йилда уран қазиб чиқариш бўйича дунёда Қозо-ғистон, Канада, Австралия, Россия ва Намибиядан кейин 7-ўринни эгалла-ди[3]. Вилоятда нефть ва газнинг бир нечта конлари – металлургия, тоғ-кон металлургияси, кимё, кимё, пахта тозалаш, озиқ - овқат, қурилиш матариал-ларини ишлаб чиқариш саноати ва бошқалар ривожланган. Вилоят-нинг энг йирик саноат корхоналари – Навоий тоғ кон металлургия комбинати, Навоий гидроэлектр станцияси (ГЭС), “Навоий азот”, Навоий цемент заводи, “Электр-кимё” акционерлик жамияти (АЖ), “Нурота мармар” АЖ ва бошқалардир.

1994-йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ти Конуни ва шу асосида Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1993-йил 24-июндаги 310-сон қарори асосида Навоий вилоятининг “Бандлик” дастури ишлаб чиқилди. 1994-йил 5-октябрда Навоий вилояти ҳокимлигининг “Бандлик” дастурида кўрсатилган вазифаларни ва уларни амалга ошириш шаҳар ва туман ҳокимларига, меҳнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя бошқармасига ҳамда жойлардаги меҳнат биржаларига топширилганлиги тўғрисидаги қарори ҳам қабул қилинди[4].

Дастурда ёшларни иш билан таъминлаш вазифаси долзарб бўлиб, иш билан таъминлаш 1994-йилнинг иккинчи ярмида биринчи ярим йилликка нисбатан беш марта ошиб, иш билан банд қилинганлар сони 362 нафарга етди. Бирок, бу вилоятда иш билан таъминлаш даражасининг юқори бўлишига имкон бермади, сабаби корхоналарнинг оғир иқтисодий шароитлар туфайли кўп ташкилот ва хўжаликларда ишчиларни ҳам иш билан таъминлашда турли муаммоларнинг мавжудлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар туфайли ишдан бўшаб кетган ходимлар сони тахминига қараганда 36,8 фоизга, ҳарбий хизматдан келганлар сони 29,2 фоизга кўпайиши бўлди.[5]

1994-йил биринчи ярим йиллигига давлат секторига ишчи кучига бўлган талаб 37,3 фоизга камайсада, айни пайтда турли миллат вакилларининг кўчиб кетиши натижасида бўш иш ўринлари вужудга келди. Бу иш ўринларининг 80 фоизи малакали ва иш стажига эга бўлган ишчиларни талаб киларди. Бундай ишчиларга муҳтожлик “Қизилкумкамёбметалолтин” концернида яққол сезилди.[6] 1994-йилнинг иккинчи ярмида меҳнат биржаларига мурожаат қилганлар сони ҳам аввалги олти ойга нисбатан 28,6 фоизга ошиб, биржа орқали ишга жойлаштирилганлар сони 48,8 фоизга етди, ишсизлар сони 17,1 фоизга ортиб, 386 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, 147 киши қайта ўқитилди.[7] Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ҳокимиятининг иш режалари эса ўз вақтида бажарилмай қолиб кетаверганди.

Ўтказилган текширувларга қўра 1995-йилда 2 ярим йиллигига мўлжалланган режага асосан Зарафшон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, Марказий кон бошқармаси ишчилар таъминоти бўлими, Марказий дорихона, халқ таълими бўлими ва марказий кон бошқармаларида бўш иш жойларининг мавжудлиги бўйича текшириш ўтказилмаган. Навоий вилоятининг “Семурғ” ҳиссадорлик жамиятида, Қизилкум иссиқлик электр станцияси (ГРЭС), “Кремний”, “Зарафшон” қурилиш бошқармасида, Навоий сув қурилиш трестига қарашли қурилиш монтаж колонасида, “РИВ” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, Даугизтау ГРЭС ва Марказий кон бошқармаси ишчилар таъминоти бўлимларида иш билан таъминлаш жамғармасига ҳар ойда иш ҳақи фондидан 2 фоизи миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиб турилиши текширилмасдан қолган.[8]

1995-йил 31-январда Навоий вилояти ҳокимлигининг вилоятда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш асосида ҳалқ истеъмол молларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб даромад топаётган фуқаролар даромадини аниқлаш, Ўзбе-қистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Респуб-ликаси фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган солик тўғрисида”ги Конунларга асосланиб, хусусий тадбиркорлик фаолияти ахоли ўртасида ва барча жойларида қўллаб-куватланиши, 16 ёшдан меҳнатга қобилиятли барча фуқароларга, шу хисобдан асосий иш жойи бўлиб, қўшимча даромад топиш мақсадида ишдан бўш вақтларда ушбу фолият билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратиб бериш ҳақида ҳокимлик қарори чиқди. Унга кўра хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг транс-порт воситасида хизмат кўрсатишига икки усулда, яъни шахсий транспорт воситасида хизмат кўрсатиш, ижарага олинган транспорт воситасида хизмат кўрсатишга рухсат этилди.[9] Яратилган шароитлар туфайли миллий хунармандчиликка ҳам йўл очилди. Масалан, Навоий вилоятида Ҳадича Воҳидова Бўстонда “Ҳадича” хусусий фирмасини очишга муваффак бўлди. Фирма зардўзликнинг бухорча услуги асосида 20 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.[10] Шу ўринда таъкидлаш лозимки, вилоятда ишсиз-ликни олдини олиш, айниқса, аёлларни ишга жойлашиши имкониятларини кенгайтириш, уларнинг аҳволини яхшилашда республиканинг Қашқадарё, Сурхандарё вилоятлари қаторида Навоий вилоятида ҳам аёллар учун даромад манбаларини яратиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури лойиҳалари ҳам амалга ошириб келинди [11].

Вилоятда ҳам хотин-қизларни иш билан таъминлашда бир қатор муаммолар бўлиб, биргина 1996-йил 1-сентябрь ҳолатига кўра, 38.857 нафар ишсиз аҳолининг 17.680 нафарини аёллар ташкил этди. Аёллар ўртасида ишсизлик кўрсаткичи юқори бўлган вилоятлар таркибида Навоий вилояти ҳам бўлиб, 4904 нафар аёл ишсиз бўлган.[12] Навоий вилояти Нурота туман хотин –қизлар кўмитасининг 2005-йил январь ойида бўлиб ўтган пленумида таъкидланишича, туман аёллари 40.224 нафарни ташкил этиб, улардан 873 нафари соғлиқни сақлашда, 1.345 нафари ҳалқ таълимида, 125 нафари саноат-да, 25 нафари қишлоқ хўжалигида, 560 нафари тадбиркорликда, 84 нафари эса маданият соҳасида хизмат қилган. Йил давомида 607 та объект ташкил этилиб, буларда 2568 янги иш ўрнилари барпо этилди, улардан 146 нафари аёллар ташкил этди.[13]

Шунингдек, аёллар орасида тадбиркорликни ривожлантириш мақса-дида республика бўйича 108 та кредит уюшмалари ташкил этилиб, уларнинг 42 фоизини аёллар бошқарди. Навоий вилоятида 2006-йилда ташкил этилган “Ласточка” кредит уюшмаси аъзолари 500 нафарни ташкил этиб, уюшманинг 4 та ахборот – маслаҳат маркази ташкил этилди. Бу

уюшма томонидан 2008-йил давомида 2006 нафар тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга 3 млрд. 184 млн. 813 минг сўм маблағ ажратилди.[14] 2011-йил 5 ойи давомида “Ласточка” кредит уюшмаси томонидан ажратилган кредит маблағлари мухим аҳамиятга эга бўлди[15].

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш, йирик корхоналар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006-йил 5-январда “Йирик саноат корхона-лари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3707-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонни амалга оширишни таъминлаш чораларига бағищланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006-йил 11-январдаги 4-сон Қарори ва шу қарор юзасидан “Касаначилик тўғрисидаги Низом”, 2008-йил 1-июлдаги “Касаначиликни ташкил этишини такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сон қарори ҳамда 2008-йил 1-июнда “Касаначиликни ташкил этишини такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сон қарори амалиётга тадбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 6-апрель ПҚ-616-сон “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам қабул қилинди. Бу юқоридаги ҳужжатларга кўра Навоий вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси, Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Боз бошқармаси, Молия бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимларни билан биргалиқда аҳоли бандлигини ошириш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди[16]. Вазиятни ўрганиб чиқиш натижалари касаначиликни ривожлантириш параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш методологик базасининг такомиллашганлиги касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш, шунингдек, уларнинг уйда ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ ҳаражатларни қоплашнинг пухта механизми йўқлигини кўрсатди. Касаначиликнинг турларини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш учун мавжуд захираларни аниқлаш ва сафарбар қилиш, шунингдек касаначиларни буортмалар,

хомашё материаллар билан ўз вақтида таъминлаш ва уларга иш ҳақи тўланишини назорат қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш талааб этилди.

2012-йил “Обод турмуш йили” давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида ҳам ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳақ-хукуқларини муҳофаза қилиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини битираётган йигит-қизларни ишга жойлаштириш, жумладан, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди[17]. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ва Қарорлар асосида Навоий вилоятида тадбиркорлик субъектлари сони ўсиб борганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, 2014-йилда уларнинг сони 1603 тани ташкил этди. Уларга яратилган шароитларни назорат қилиш, муаммоларни ўз ўрнида ҳам қилиш борасида баъзи тадбирлар ҳам амалга оширилди. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорликка оид Қонунлар, Фармонлар ва хукумат қарорлари талабларидан келиб чиқиб тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни хукуқ манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2014-йилнинг ўтган даврида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, прокуратура аралашуви билан 14 нафар тадбиркорга 750 млн. сўмдан ортиқ кредит, 6 нафар тадбиркорга 17 млн. сўмдан ортиқ нақд пул маблағлари берилиши таъминланди. 3 нафар тадбиркорлик субъектларига 16 гектар ер майдони ажратилиб, 2 нафар тадбиркорга тўлов терминали олишда, 2 нафар тадбиркорга тегишли биноларга электр тармоғи улашда, 4 нафар тадбиркорга маҳсус лицензия олишда амалий ёрдамлар кўрсатилди. 215 нафар тадбиркорлик субъектларининг бузилган хукуқлари амалий ёрдамлар кўрсатиш орқали тикланди. Бу даврда тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга жиддий эътибор қаратилди. Натижада 23 нафар тадбиркорга тижорат банкларидан жами 1,2 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.[18]

Янги Ўзбекистонда аёлларни уй меҳнати билан таъминлаш, уларнинг шароитларини яхшиланишига имкон яратиб бериш масадида қатор вазифалар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 2-августда “2019–2021-йилларда Навоий вилоятининг Нурота туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори қабул қилинди. Қарор асосида Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган “2019–2021-йилларда Навоий вилоятининг Нурота туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури маъқулланди. Дастурда туманни ижтимоий-

иктисо-дий жихатдан янада ривожлантириш, ахолининг, хусусан хотин-қизлар, ёш-лар ва кам таъминланган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш, кичик бизнес ва оиласи тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яра-тиш, хунармандчилик, шу жумладан ҳудуд учун хос бўлган қадимий кашта-чилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш кабилар белгиланди.[19]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 10-февраль ПҚ-52 –сон “2023–2024-йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳам аҳоли орасида ишбилармонлик мухитини яхшилаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш орқали маҳаллалар ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда саноат, хунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида микромарказларни ташкил этишни янада жадаллаштириш каби вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, аёлларни бандлигини таъминлаш мақсадида Бухоро ва Навоий вилоятларида қишлоқ аёллар бизнес ва хунармандчилик маҳорати бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ўқув машғулотлари БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан CADI (Марказий Осиё чўллари бўйича ташаббус) лойиҳаси доирасида ташкил этилди. ФАО аёлларни ўз оиласи даромадларини ошириш учун муқобил даромад келтирадиган хунармандчиликни тиклашига қаратилди. Ўқув машғулотларида Навоий вилояти Нурота тумани Чуя қишлоғи ва Бухоро вилояти Қоракўл туманидан 57 нафар аёллар иштирок этди. Машғулотлар каштачилик ва анаъанавий хунармандчилик бўйича усталар томонидан олиб борилди. Ўтказилган семинар давомида аёллар тикувчилик, жун кўрпа ва миллий каштачилик асосларини ўргандилар. Тренингда қатнашиш учун “темир дафтар”да – ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ фуқаролар рўйхатида бўлган аёллар танлаб олинди.[20] Нурота тумани марказидан 35 километр олисда жойлашган Ғозғон қўргони алоҳида шаҳар мақомини олгач, асосан чорвачи-лик ва мармар қазиб олишга ихтисослашган ҳудудда «Нурота барака чевар-лари» фабрикаси барпо этилди[21].

## ХУЛОСА

Умуман, Навоий вилоятида яратилган шароитлар туфайли миллий хунармандчиликка ҳам йўл очилди. Ишсизликни олдини олиш, айниқса, аёлларни ишга жойлашиши имкониятларини кенгайтириш, уларнинг аҳволини яхшилашда халқаро лойиҳалардан ҳам унумли фойдаланилди. Бўйича бандликка кўмаклашувчи марказларда хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Уларни фаолиятини қўллаб-куватлаш мақсадида кредит уюшмалари ташкил этилди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Вохидова М. Навоий вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши ҳолатининг таҳлили // Иқтисод ва молия. 2017. – №9, – Б. 49.
2. “2023-2024 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ахоли турмуш даржасини янада яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори / <https://lex.uz/docs/6380177>
3. Вохидова М. Навоий вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши ҳолатининг таҳлили // – Б. 49.
4. Навоий вилояти давлат архиви. 100-фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 159-варак.
5. Навоий вилояти давлат архиви. 100-фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 159-варак.
6. Навоий вилояти давлат архиви. 100-фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 159-варак..
7. Навоий вилояти давлат архиви. 100-фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 158-варак.
8. Ўз МА. М-76-фонд, 1-рўйхат, 668-йиғма жилд, 18-варак.
9. Навоий вилояти давлат архиви. 100-фонд, 1-рўйхат, 136-йиғма жилд, 13-варак.
10. “Хадича”нинг зар кашталари // Қизил тонг. 1998-йил 4-сентябрь.
11. ЎзМА. М-37-фонд, 1-рўйхат, 4518- йиғма жилд, 54-варак.
12. ЎзМА. М-37-фонд, 1-рўйхат, 2565- йиғма жилд, 17-варак.
13. Ахатова М. Аёл ҳам қудратли куч // Нурнома. 2005-йил 27-январь.
14. Ўз МА. М-170-фонд, 1 пр-рўйхат, 64-йиғма жилд, 63-варак.
15. Ўз МА. М-170-фонд, 1-рўйхат, 124-йиғма жилд, 203-варак.
16. Навоий вилояти давлат архиви. 100-фонд, 1-рўйхат, 797-йиғма жилд, 233-варак.
17. ЎзМА. М-170-фонд, 1-рўйхат, 161-йиғма жилд, 150-варак.
18. Очилов А. Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида // Нурнома. 2014-йил 31-июль.
19. Нуротани комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. <https://kun.uz/55316439?q=%2F55316439>. Мурожат қилинган сана: 2023-йил 28-июнь.
20. ФАО қишлоқ аёлларини янги даромад манбаларини топишга ўргатади. <http://www.uzdaily.uz/uz/post/7189>. Мурожат қилинган сана: 2023-йил 10-ноябрь.
21. [https://teletype.in/@mahalladosh\\_uz/maqola18](https://teletype.in/@mahalladosh_uz/maqola18). Мурожат қилинган сана: 2023-йил 10-ноябрь.